

Саудия Арабистони 270 миллион долларлик компанияга асос солди



10:00 / 26.01.2021 2124

Саудия Арабистони *Масжид-ул Ҳаром ва Масжид-ал Набавийни* ривожлантириш учун 270 миллион долларлик Кидана компаниясига асос солди. Бу ҳақда theislamicinformation.com манбаси хабар берди.

Ушбу Кидана компанияси Саудия Арабистонидаги *Масжид-ул Ҳаром ва Масжид-ал Набавийнинг* муқаддас жойларини ривожлантириш учун ташкил этилган.

Саудия Арабистони матбуот агентлигининг хабар беришича, Кидана компанияси штати Мина шаҳрида жойлашганлигини эълон қилди. Бу Маккаи Мукаррама ва муқаддас жойлар (PCMC) бўйича Қиролликга тегишли биринчи хусусий компания ҳисобланади. Компаниянинг устав

капитали 1 миллиард рублни (270 миллион доллар) ташкил этади.

Кидана директорлар кенгаши раиси Шаҳзода Абдуллоҳ бин Бандар ибн Абдул-Азиз нега муқаддас шаҳарларни сақлаш зарурлигини тушунтириб ўтди.

Муқаддас жойларни қайта қуриш ва реконструкция қилиш учун Кидана компанияси барқарорликни режалаштирмоқда. Вақт ўтган сари ушбу жойларга ташриф буюрадиган зиёратчилар тобора кўпайиб бормоқда. Шунинг учун ҳар йили зиёратчилар Ҳаж ва Умра ибодатларини мамлакатнинг 2030 йилги ислоҳотлар режасига мувофиқ амалга оширадилар.

Бундан ташқари компания йил давомида мақбул фойдаланиш учун сайтларни юритишни, барқарор шаҳар марказларини яратишни ва ҳаж мавсумида самарадорликни оширишни мақсад қилган. Шунингдек, хизматлар сифатини яхшилаш режалаштирилган. Муқаддас жойлар яқинидаги кўчмас мулк лойиҳалари яхши ташкил этилган.

РСМС катта маслаҳатчиси Хатим Мумина компаниянинг биринчи кенгаши йиғилишидан сўнг Кидана компаниясининг бош директори этиб тайинланди.

Хуршид Маъруф тайёрлади